



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Наманган ХЭТК” АЖ

Бош директор ввб

А.Карабаев

» _____ 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ 172-сонли 2022-2026 йилларда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда ТТ ва ТМИЧХ цехида ишлаб чиқарилаётган Опора махсулотларни ташиш учун Наманган вилояти ҳудудлари йуналишлари буйича оғир юкларни ташувчи автомашинада хизмат кўрсатувчи корхонани танлаб олиш учун

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1. Умумий маълумотлар

1.1 . Буюртмачи

“Наманган ХЭТК” АЖ

Ташкилий-ҳуқуқий шакли

Акциядорлик жамияти

Манзил:

Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти,

Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-уй

Бош директор:

А.Карабаев

1.2. “Наманган ХЭТК” АЖнинг тендер комиссияси томонидан ижрочи-тадбиркорлик субъекти аниқланади.

1.3. Танловнинг максимал қиймати: жами кўрсатилган хизмат учун Наманган вилояти ҳудудлари йуналишлари буйича 1 тн/км учун 1500 сум ҚҚС билан сўмни ташкил этиб, танлов таклифида кўрсатилган нархлар максимал нархдан ошмаслиги керак. Жами 913 500 000 сум қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.4. Буюртмачи томонидан талаб қилинадиган хизматлар тури техник топшириқ иловада келтирилган.

2. Танлов мақсади.

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ 172-сонли 2022-2026 йилларда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда ТТ ва ТМИЧХ цехида ишлаб чиқарилаётган Опора махсулотларни ташиш учун Наманган вилояти ҳудудлари йуналишлари буйича оғир юкларни ташувчи автомашинада хизмат кўрсатувчи корхонани танлаб олиш учун

3. Танлов иштирокчилари.

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари ҳам иштирок этиши мумкин. 4.4.-бандда келтирилган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно.

4. Ижрочиға бўлган талаб.

4.1. Ижрочи давлат рўйхатидан ўтган, мазкур хизматни кўрсатиш бўйича тегишли рухсатномага эга бўлиши, Балансида юк ташиш учун техникаси соз ҳолатда мавжуд булиши Наманган вилоятида жойлашган буюртмачининг тегишли объектларида ишлаш иш ташкил қилиши лозим.

4.2. Ижрочи кўрсатиладиган хизматни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаши лозим.

4.3. Иштирокчи танловда иштирок этиш учун, танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ қуйидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиши лозим:

- Юк ташиш учун фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия нусхаси;
- Ташкилот устави (барча ўзгартириш ва қўшимчалар билан) нусхаси;
- Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

4.4. Қуйидаги тадбиркорлик субъектларига танловда иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган.

4.5. Иштирокчи қуйидаги ҳолларда танловдан четлаштирилади:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита буюртмачининг танловда иштирокчиларни танлашда масъул бўлган шахслар билан ноқонуний келишувлар орқали қарор натижасини ўз фойдасига ҳал қилиниши учун таъсир ўтказувчи ҳаракатларни амалга оширилганда;
- иштирокчининг қонунчиликка зид бўлган адолатсиз рақобат ёки афзалликларга эга бўлса.

5. Бошқа шартлар.

5.1. Тўлов шартлари: Ижрочи томонидан кўрсатилган хизмат бўйича ҳар ойнинг 5 санасига қадар ўтган ой учун ҳисоб-варақ фактура тақдим этилиши лозим.

5.2. Буюртмачи томонидан тўловлар, ҳисоб-варақ фактура тақдим этилган санадан бошлаб 90 кун давомида амалга оширилади.

Кўрсатилгани лозим бўлган хизмат

Хизмат тури	Хизмат сони
<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ 172-сонли 2022-2026 йилларда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда ТТ ва ТМИЧХ цеҳида ишлаб чиқарилаётган Опора маҳсулотларни ташиш учун Наманган вилояти ҳудудлари йуналишлари буйича оғир юкларни ташувчи автомашинада хизмат кўрсатувчи корхонани танлаб олиш учун</p>	<p>Буюртмачи талабига асосан</p>